

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА МУСИҚА ИЖРОЧИЛИГИНИНГ РАВНАҚ  
ТОПИШИ ВА УСТОЗ – ШОГИРД АНЬАНАЛАРИ

Сайджон Турсунов

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
Халқ ижодиёти факультети Ашула ва рақс йўналиши  
2-курс магистранти

**Аннотация:** уибу мақолада қўшиқ, хонандалик санъати, мустақиллик даври ўзбек хонандалик санъатининг тараққиёти, мусиқанинг беқиёс қудрати тўғрисида Шарқ мутафаккирлари қарашлари, куйнинг сехри, мусиқийтерапия, куйлар ижроси ҳамда устоз – шогирд анъанаси ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** қўшиқ, хонандалик санъати, куй, мусиқа, ижрочилик, мусиқийтерапия, куйлар ижроси, устоз – шогирд.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлолга эришиши жамият ҳаётида мавжуд бўлган қатор муаммоларни ҳал этиш учун жуда катта замин яратди. Мустақиллик туфайли ўзбек ҳалқи энг аввало ўзликни англаш жараённига кирди, миллий-маданий, миллий-тарихий қадриятларни тиклаш имконига эга бўлди.

Буларнинг бариси истиқлол йилларида ўзбек ҳалқи учун ижобий ўзгаришларни юзага келтирди, жамиятнинг маънавий юксалиши юз берди, мамлакат аҳолисида миллий ўзлик, миллий онг, миллий тафаккур ва миллий мафкура тикланиб, улар шаклана бошлади. Ушбу жараёнлар силсиласида маънавият ва маданият алоҳида ўрин эгалламоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миромонович маънавиятни одамни руҳан, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, вижданни уйғотадиган кучга қиёслайди.

Маълумки, маънавият, умуман маданий жараёнлар инсоннинг онгли фаолиятида мавжуд бўлган ижтимоий ҳодисадир. Маънавият жамиятнинг ҳамда унда яшаётган кишиларнинг мавжудлиги ва мавжудликнинг савиясини белгилаб берувчи мезондир. Унинг кўринишлари киши онгиди, ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзининг барча жабхаларида намоён бўлади. Ана шундай таъсирчан кўринишлардан бири эса хонандалик санъатидир.

Шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, мустақиллик даври ўзбек хонандалик санъатининг тараққиёти учун жуда сермазмун бўлди. Бир қатор бастакорлар, жумладан Мустафо Бафоев, Алишер Икромов, Анор Назаров, Мухаммад Отажоновлар ижодининг янги даври бошланди. Ўзбекистон санъат арбоби Мустафо Бафоев ўзбек миллий мусиқаси тарихида услугуб жиҳатдан ҳам, ғоявий жиҳатдан ҳам бутунлай янги бўлган “Ҳажнома” ораториясини яратиб, улкан ижодий муваффақиятга эришди. Унинг Амир Темур таваллудига бағишлиланган мусиқа ва қўшиклари ўзбек миллий-анъанавий услуби билан жаҳон мусиқа санъати илфор тажрибаларининг

бетимсол, уйғунлашган намунаси бўлди. Оркестр оҳангларининг бу миллий шакли эндиғина яратилди.

Хонандалик санъати кишиларни жамиятдаги мавжуд камчилик ва муаммоларни ҳал этишга сафарбар этади ва ундейди. Бундан ташқари, хонандалик санъати орқали миллий бирлиқка, умуммиллий иноқликка эришиш мумкин. Миллатни уйғотиш, мавжуд муаммоларни аниқ кўра билиш, уни қўшиқ – мусиқа воситасида ҳал этишга ҳаракат қилиш инсонпарвар жамият қуришнинг муҳим усулларидан биридир.

Қўшиқ – мусиқа инсонда соғлом ҳаётий эҳтиёжни, яратувчилик кайфиятини уйғотади. Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат.

Мусиқанинг бекиёс қудрати ҳақида шундай ривоят ҳам бор. Абу Наср Форобий сафар чоғида Рум подшоси уни қабулига чорлаб: “Сени мусиқа билимдони дейишади, қани ҳунарингни кўрсат-чи” дейди. Шунга Форобий қўлидаги созини чалади. Сарой аҳли бирин – кетин ўринларидан туриб рақсга тушишади. Бироз вақт ўтиб, мусиқачи куй оҳангини ўзгартиради. Шунга даврага оғир сукунат чўқади. Ўтирганлар чукур ҳаёлга толиб, юз – кўзларида ғамгинлик аломатлари зоҳир бўлади. Учинчи куй янграганда эса тингловчилар сархушланиб, кўзларини юмиб, аста уйкуга кетадилар. Худди шу пайтда Форобий саройни тарқ этиб, ўз йўлига равона бўлади.

Кўй инсонни тинчлантиради, қалбига ҳаётбахш туйғулар олиб киради. Алишер Навоий ўз даврида мусиқага муносабат билдириб, бир асарида шундай деганди: “Тўрт юз шифокорни чорланг, тўрт юз шамни ёқиб қўйинг, лек уларнинг ҳеч бири инсон қалбига мусиқа берадиган ҳароратни бахш эта олмайди, мусиқа янглиғ ёғду соча олмайди”. “Лисон ут – тайр” асарида эса инсоният тарихида мусиқанинг ilk маротаба Пифагор (Фисоғурс) томонидан кашф этилгани баён қилинади. “Бир куни Фисоғурс одам оёғи етмайдиган қоронғу ўрмондан ўтаётганида номаълум қушнинг сайраётганини эшигади. Бу Қақнус экан. Фисоғурс унинг куйлашидаги турли садоларни ешитиб, уларни ажратган ва мусиқани кашф этди”, дейилади ушбу асарда.

Халқ ичида “Мусиқатерапия” деган ибора бор. Мумтоз куй – қўшиқларнинг асар хасталикларига чалинган беморларни даволашда таъсири ўзгача эканини шифокорлар кўп маротаба таъкидлаб ўтганлар. Хатто қадимда ҳам мусиқадан айрим касалликларни даволашда фойдаланилган. М.: ал – Хоразмий ўз юритида беморларни даволашда ширин сўз, дори – дармон, пархез ҳамда мусиқанинг таъсири ижобий бўлишини ёзиб, шундай таърифлайди: “Менга моҳир созанда чалган ҳар қандай хазин куй ҳамма дорилардан ҳам кўра яхшироқ таъсир қиласи ва шифо ато этади”.

Мусиқа назарияси бўйича бир қанча асарлар ёзган Абу Наср Форобийнинг айтишича, мусиқа илми тананинг саломатлиги учун ҳам фойдали. Чунки тана касал бўлса, рух ҳам сўнади, тана тўсиққа учраса, рух ҳам тусиққа учрайди. Шунинг учун овозларнинг таъсири билан рухни соғайтириш ёрдамида тана ҳам соғайтирилади.

Улуғ аллома Абу Али ибн Сино эса “Аш - шифо” асарида “Сезги аъзоларига таъсир қиласиган нарсаларнинг бири товуш бўлиб, ўзига хос ёқимлилиги билан ажралиб туради”, деб таъкидлайди.

Турғун Алиматовнинг эътироф этишича, юртимиздаги айрим шифохоналарда уйкусизлик касалига чалинган беморларни у кишининг танбурда чалган “Насруллои”, “Ушшоқ”, “Роҳат” куйлари билан даволаш йўлга қўйилган экан. Ҳақиқатдан ҳам куй янграши билан кўнгилга ҳаяжон қўнади, унинг ҳар жаранги гўё юрак торларини ҳам чертиб ўтаётгандек ёқимли туюлади. Кўнгилдаги хис – туйғулар жўшади, рух ором олади. Демак, куй рухнинг озиғи, шу билан бирга рухни гўзалликка ошно қилиб, уни камолга етказувчиdir.

Куйлар ижроси шинавандалар доирасида ижро этиладиган жуда нафис санъат. Куй тинглаб завқ олиш мусиқий ихлосмандликнинг ўзига хос бир даражаси. Уни ижро қилиши, тинглаб завқ олиш ҳам тайёргарликни, маълум даражада сирларини тушунишни талаб этади. Моҳияттан мусиқа табиий фан – математика билан боғлиқ. Уни ҳисоб – китобдан ташқарида тасаввур этиш қийин. Буюк олим Лейбниц таъбири билан “мусиқа билинтирмасдан доим ўзини – ўзи ҳисоблаб боради”. Қўшиқ эса, бунга қўшимча адабиёт билан ҳам чамбарчас уйғунлашади. Мақом куйларининг мумтоз ижрочилиридан мутаносиблиқ, мувофиқлик инсон заковатини ҳайратга келтиради. Вазн – мусиқада мутаносиблиқ ва бадиий эркинлик таянчи. Тингловчи шинавандани жунбушга келтирадиган омил ҳам усул ва куй уйғунлигининг ҳаракатидир. Ўзбек ва Шарқ мусиқаси мумтоз усуллар асосидаги куй йўллари алоҳида ажралиб туради.

Халқимизда “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар” қабилидаги мақоллар жуда кўп. Ушбу комплекс мавзунинг яратилишига устознинг шогирд олдидағи, бил-акс шогирднинг устоз олдидағи бурчи мавзуси туртқидир. Ҳар касбнинг ўз усталари бўлгани каби устозлар ишини авлоддан – авлодга етказувчи издошлар, ўринбосарлар қисқа қилиб айтганда шогирдларнинг ҳам бўлиши табиий. Ўз касбининг устаси бўлган устозлар ўзининг бебаҳо бўлган ҳунарини ўзи билан олиб кетмаслиги баробарида ўша ҳунарни шогирдларга ўргатади. Ўз навбатида шогирдлар ҳам устоздан ўрганган ҳунарни ривожлантириб ўз имконияти даражасида кейинги авлод шогирдларини етиштириб чиқаради. Устоз шогирдчилик айниқса бизнинг миллий минталитетимизга хос анъанадир. Муддаога ўтиб санъат хусусан қўшиқчиликдаги мазкур анъана борасида сўз юритамиз. Биламизки ҳамма ҳам санъаткор бўлавермайди. Юқтирганга насиб қиласи бу касб. Озод диёrimизда шундай ижрочилик мактаблари мавжудки бир – биридан гўзал, бир – биридан забардаст ранг – баранглигини таърифлашга тил ожиз.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ҳақиқий санъаткор ҳофизалар саҳнани муқаддас билган. Улар катта давраларда эл-юрт меҳрини қозониб, пиру устозлар дуосини олиб, эътиқод ва садоқат билан санъат йўлига умрларини бағишилаганлар. Юксак маданияти, бетакрор ижрочилик санъати, хонандалик одоби ва муҳлисларга эҳтиром уларни элга азиз қилган. Халқимизнинг буюк санъаткорларидан бўлган Мукаррама Азизова, Коммуна Исмоилова, Ҳалима Носирова, Ҳадя Юсупова, Хабиба

Охунова, Зайнаб Полвонова, Фароғат Раҳматова, Берта Давидова ва Матлуба Дадабоевалар шундай беназир санъат усталари тоифасидандир. Бу ҳофизалар ўтган асрнинг йигирманчи йиллариданоқ ҳалқ қалбига кириб борганлар. Бундай санъаткорлар ҳақида гап кетганда, уларнинг номи ёнига ҳар хил унвонлару таърифларга ҳожат қолмайди. Зоро, уларнинг номи ҳаммасини айтиб туради. Шу маънода, ҳофизалар номи бугунги кунда ҳам мамлакатимиз санъат шинавандалари учун ғоятда эъзозли ва қадрлидир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Матёқубов О. Мақомот. “Мусиқа” нашриёти. Тошкент, 2004,
2. М.Раҳмонов. Ўзбек театри.1-2 китоблар, Тошкент, 1968, 1975;
3. М.Қодиров. Ўзбек ҳалқ томоша санъати,1981;
4. М.Қодиров. Томоша санъати, 1993.
5. <http://forum.ziyouz.com>